

Сайдакбаров Сайдмахмуджон Сайджон ўғли,
ТДИУ, ЕК– 52 гурӯҳ талабаси,
Касимов Азамат Абдукаримович,
ТДИУ, PhD, илмий раҳбар

ЎЗБЕКИСТОНДА КРЕДИТ БОЗОРИ ВА УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу тезисда кредит бозори, мавжуд кредитлаш амалиёти, хорижий тажрибалар ва соҳадаги ислоҳотлар очиб берилган. Шунингдек, мазкур соҳани янада ривожлантириши йўналишлари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: банк, кредит бозори, стратегия, ислоҳот.

Ҳар қандай мамлакатни ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва ижтимоий– иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда кредитлаш сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида банкнинг инвестициявий фаоллигини янада ошириш, кредитлаш амалиётини кенгайтириш учун мустаҳкам асос яратиш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли тадбиркорлигини молиявий қўллаб– қувватлаш кабилар эътиборга олинади.

Кредит бозори соҳасини ислоҳ қилиш ва унинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини ошириш бўйича мамлакатимизда ҳам қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилдан бошлаб банкларни хусусийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020– 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ– 5992– сонли Фармони [1] соҳани янги босқичга олиб чиқишида меъёрий– хуқуқий асос бўлиб хизмат қиласиди.

Кредит бозоридаги ижобий ўзгаришларни мутасадди ҳалқаро холис ташкилотлар ҳам яъни, “Fitch Ratings” рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистоннинг хорижий ва миллий валютадаги узоқ муддатли кредит рейтингини “Барқарор” прогнози билан “ББ– ” даражасида баҳолади.

Сўнги йилларда эришилаётган ютуқлар билан бирга бази муаммолар ҳам ҳозиргача сақланиб қолинмоқда. Ҳусусан, тадбиркорлик субъектлари ва банк ўртасидаги кредит муносабатларида ахборот таъминотига боғлиқ бўлган [2]: биринчидан, ахборот ишончлилигини таъминлаш; иккинчи, кредит хужжатларини унификациялаштириш ва соддалаштириш; учинчидан эса ахборот алмашинувини тезлаштириш шулар жумласидан.

Таъкидлаш жоизки, хорижий банклар амалиётида ягона соҳа ёки тармоққа йўналтирилаётган кредитларга нисбатан белгиланган меъёрлар мамлакатимиз тижорат банкларида мавжуд меъёрлардан кескин фарқ қилмайди. Аммо, хорижий мамлакатлар банкларининг кредитлаш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, банк билан узоқ муддатли молиявий ҳамкорлик қилиб келган, банкнинг ишончини қозонган, тўлов қобилияти мустаҳкам мижозлар кредит олишида ортиқча қийинчилик ва муаммоларга учрамайди. Бироқ, банкка кредит олиш учун биринчи марта мурожаат қилган мижозлар жиддий таҳлил ва назоратдан ўтказилгандан сўнг, берилаётган кредитнинг таъминланганлигига ишонч ҳосил бўлгандан кейин кредит шартномаларини тузиш мумкин бўлади.

Фикримизча, мазкур амалиётни республикамиздаги тижорат банклар фаолиятида ҳам бевосита қўлланилса, ҳамда уни жорий этишда холислик, шаффофлик ва бозор механизмларига асосланган ҳолда амалга ошириш лозим.

Таъкидлаб ўтиш керакки, бозор иқтисодиётида банк назорати режали иқтисодиётга хос назорат ва тафтиш тизимидан тубдан фарқ қиласди. Бунда омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоялаш мақсадида банк тизимидағи таваккалчилик даражасини тартибга солиш банк назоратининг бош вазифаси қилиб олиниб, бу борадаги фаолият самарали амалга оширилмоқда. Умуман олганда ушбу даврда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам банк тизими, халқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солиш механизми вужудга келтирилди.

Банклар тармоғининг кенгайганлиги республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларидағи аҳоли, хўжалик субъектлари, корхона ва ташкилотлар ўзи истиқомат қиласидиган ҳамда жойлашган тумандаги ёки бошқа худуддаги банк бўлимларида ҳисобваракларини очиб, унинг хизматларидан фойдаланишлари қувонарли ҳолдир.

Банк капиталининг юқори даражада бўлиши ва унинг етарлилиги ҳар қандай тижорат банкининг тўловга қобилиятлилиги ва хатарлардан холилигини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Шунингдек, тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг лик– видлигини таъминлаш ва фаолияти давомида дуч келадиган хатарлардан зарар кўрмаслик имконини яратади.

Мазкур қарорда тижорат банкларининг акциядорлик капиталида жисмоний шахслар улуши ошишига ҳамда хусусий банкларнинг кўпайишини рағбатлантириш мақсадида уларнинг дивиденд тарзида оладиган даромадлари солиққа тортишдан озод қилинди.

Бундай имтиёзнинг жорий этилиши, биринчи навбатда аҳолининг қўлида турган бўш пул маблағларни банк капиталига жалб қилиш орқали, уларнинг дивиденд тарзида оладиган даромадларини оширади ҳамда уларнинг турмуш даражаси юксалишига ва бойишларига хизмат қиласди, иккинчи томондан эса, банкларда корпоратив бошқарув тизимини янада сифатли бўлишини таъминлайди.

Банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда хукumat йирик ва кутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий мақроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислоҳотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул–кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизми яратилишини тақозо этмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади. Банк тизимининг муомалага кредит пулларини чиқариши депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган чора– тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун

фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

Банк назорати режали иқтисодиётга хос назорат ва тафтиш тизимидан тубдан фарқ қиласи. Бунда омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоялаш мақсадида банк тизимидағи таваккалчилик даражасини тартибга солиш банк назоратининг бош вазифаси қилиб олиниб, бу борадаги фаолият самарали амалга оширилмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ҳар томонлама мустаҳкам банк тизими, ҳалқаро андозаларга мос келувчи замонавий банк назорати ва банклар фаолиятини тартибга солиш механизми вужудга келтирилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кредит бозори ва қайта молиялаш механизмини янада ривожлантириш ҳамда оптималлаштириш бўйича қўйидагиларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир:

- ўрта ва кичик тижорат банкларнинг кредит ресурслари таркибида Марказий банк марказлашган кредит ресурсларининг ҳиссасини ошириш;

- Марказий банк қайта молиялаштириш сиёсати доирасида тижорат банкларни молиялаштиришда марказлашган кредит ресурсларини аукционлар орқали сотиш амалиёти механизмини ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш;

- давлат ва Марказий банк тижорат банкларининг кредит ресурслари бўйича фоиз ставкаларини чеклаш ва ўрнатиш ҳамда имтиёзли кредит юкини тижорат банклари зиммасига ортиш амалиётини тугатиш ва бошқалар.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020– 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ– 5992– сонли Фармони, www.lex.uz

2. Мавланов Н.Н., Юлдашева М.Б. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилини ахборот таъминотини такомиллаштириш // Молия ва банк иши. II сон. март – апрель, 2019, 106– 6.

**Рузиева Дилобар Исомжоновна,
ТДИУ, доцент, илмий раҳбар
Даниқулов Миркамол Равшан ўғли,
ТДИУ, МЕКР– 02 гурӯҳи магистри**

ТУРИЗМ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

Аннотация. Мазкур мақолада туризмнинг иқтисодий ривожланишидаги аҳамияти, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириши бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Ривожланган хорижий давлатларнинг ҳуқуқий қиёсий таҳлиллари ҳамда илгор тажрибаси асосида юртимизда туризмни ривожлантириши бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: туризм, виза, визасиз режим, сайёҳлар, инфраструктура, гидлик фаолияти, хорижий давлатлар, қонун ва қонуности ҳужжатлар.